

Халқ ҳофизлари

Радио тўқиларида «Гулзорим» қўшиғи янграганда сеҳрли куй оҳангига беҳишёр бош тебратиш, ҳудудсиз ҳайллар огушига гарқ бўлган онларимиз кўп бўлади. Ҳа, буюк халқимиз бадий тафаккурининг меваси бўлиш бундай қўшиқларни эл-юрт орасида кенг тарғиб этишда ҳофизларимизнинг хизмати беҳисдор. Уларнинг ақолиб истеъдоди билан халқимиз меҳр муҳаббатини қозонган Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Мадраҳим Ёқубов (Шерозий), Домла Халим Ибодов, Ёзухон Султонов, Мамуржон Узоқов, Комилжон Отанбеков, Хожикон Болтаев, Акбар Ҳайдаров, Маматбобо Сатторов, Болтабой Махсудов, Ортиқхўжа Имомхўжаев сингари санъаткорлар шулар жумласидандир. Биз шу ўринда атоқли халқ ҳофиз Ортиқхўжа Имомхўжаевнинг ҳаёти ва ижоди ҳусусида ҳикоя қилмоқчимиз.

Ортиқхўжа ана 1903 йилда Андижоннинг Олтинқул районига деҳқон оиласида туғилди. Унинг отаси Имомхўжа бойлар қўлида чоракорлик қилар, онаси Рисолат ая эса уй бекаси эди. Ёлғиз отасининг тоғгани оилани тебратишга етмаганлиги сабабли етти ёшли ўғлини бой хизматига берадилар. Ортиқхўжа кундузи бой хонадонига хизмат қилар, кечқурунлари эса маҳалласидagi отинбидам сабоқ оларди. У савод яқинларини тез ўқитишди. Уларга меҳмон келган кезлари отасининг қистови билан китобларни нфодали ўқиб, ўтирганларни ҳайрон қолдирарди. Ёш 13—14 ларга етганда бойнингидagi оғир меҳнатдан отасининг ўғлига раҳим келиб, уни уйга олиб келди. Аммо ўша пайтлардаги турмуш қийинчиликларни туйғайи тез орада Ортиқхўжа бошқа бир бойга қарол бўлиб қолди. Бир йиллик машаққатли меҳнатга бағир чилгадан сўнг у ердан қочиб кетди. Чорасиз қолган ота ўғлига бўз тўқини ўрга та бошлади. Шу тариқа ота-бола микробга қадар ҳунар орасидан тирикчилик ўтказиб юрадilar.

Улуғ Октябрь социалистик инқилоби Ортиқхўжа ҳаётида тубдан ўзгариш ясади. У янгидан ташкил этилган «Халқат» колхозига дастлаб таълиқ бўлиб ишлади, сўнгра ҳалол меҳнати туйғайи бригадирликка кўтарилди. Ортиқхўжа Имомхўжаевга қўшиқ донм ҳамроҳ бўлди. У кўйлаганда чойхоналар одамларга тўлиб кетар, ижроқчининг тиниқ ва майин овози ҳам-қичқиллари қалбидан тобора мустаҳкам ўрин олиб борарди. Тақдир унга қулиб бодди: санъат гушанига секин-аста қадам қўй бошлади. Катта Фаргона қалъи қурилишида у кун бўли белкурчада бир неча метр баландликка туяроқ иргатар, кечқурун чорчонини қўшиқ билан ёздири, ашулалари қанал қазауи-ларини меҳнатга руҳлантиради. Бора-бора унинг номи ҳар бир оилга таниш бўлиб қолди. Шахсан мен ўзим ҳофизнинг дилрабо ашулаларини, чининда сержаранг овозини тинглаган ва у билан мулоқотда бўлган жуда кўплар қариялар ҳам да санъаткорларни биларман. Улар ўзларини ҳофиз қўшиқларини саҳро кезиб, нажот манзилга етиб келган одамнинг ташналик билан сув сиңқорган ва ўзини беҳис бахтиёр санганига ўхшатардилар. Халқнинг бундай ҳурматига сазо-

вор бўлиш — санъаткор учун катта бахт эмасми?! Бу бахт — социалистик тузум, улар ҳаётнинг халқчил ғоялари тантанаси эди.

Ортиқхўжа бу бахтни асраш учун бир умр изланди, ҳаммаша тингловчилар қалбига қўлоқ солди. Ҳа, санъаткор ўз бурчи ва имонини тирак хис этадиган, дили пок, очик кўнгли, фидойи инсон бўлиш керак. О. Имомхўжаев ана шундай санъаткорлар сафидан ўрин олди. Шунинг учун бўлса, керак, бу истеъдоди хонанда ашула айтганда кишининг руҳи малҳамдек озиқ олар, ҳофизнинг му-сикага мос ширали овози кўнгли-ларини ўзига ром етарди.

ОРТИҚХЎЖА



ИМОМХЎЖАЕВ

Улуғ Ватан уруши бошлангачи арафасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов Ортиқхўжа-ни Янгийўл шаҳридаги Тошкент вилоят музикали драма ва комедия театрига ишга олиб келди. Бу ерда у атоқли санъаткор ва шоирлардан Етим Бобоқонов, Ҳабибий, Мадраҳим Шерозий, Уста Рўзиматхон, Абдулла Файзуллоев, Юнус Ражабий, Мухиддинжон Навоиддин, Отавали Нуриддин, Маматбобо Сатторов ва бош-қалар билан ёнма-ён ижод қилди. Халқимизда «юк кўтарган юзага чиқди», деган нақл бор. Ортиқхўжа театрга фақат хонадонига эмас, балки актёр сифатида ҳам фаолият кўрсатди. Дастлаб кичик-кичик саҳналарда қатнашиб юрса-да, кейинчалик спектаклларда асо-сий ролларни ижро эта бошлади. У «Қўқор Турдиев», «Тоҳир ва Зухра», «Офтоҳон», «Фарҳод ва Ширин», «Насриддин Афанди» ка-би музикали драмаларда етакчи

роллари ижро этди. Айниқса, «Муқанна» драматиздаги Жалойир образи унинг талқинида мукамал-лик касб этди. Ана шу роль усти-даги тинимсиз меҳнати, қўшиқлар-ни маҳорат билан ижро этгани санъаткорнинг халқ ҳофизи дара-жасига кўтарилишида муҳим омил бўлди.

Ортиқхўжа кўйлаганда ҳам-мининг жисми қўлоққа айланарди. У сурункасига беш-олтита классик қўшиқни маҳорат билан ижро етар, айниқса, «Гулзорим» ва «Феруз» ашулалари янграганда тингловчи-лар уни чексиз олқишларга қўшиб-юборишарди. Олдиғина халқ қў-шиқлари ҳам унинг ижросида ўз-

лантиришдаги катта хизматлари учун 1949 йилда унга «Ўзбекистон ССР халқ ҳофиз» фахрий унвони берилди. Бу хонадан янги-янги ижодий ютуқларга руҳлантирди. Булардан ташқари, у Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, вилоят партия комитети ва вилоят ижроия комитетининг фахрий ёр-лиқлари билан ҳам тақдирланди. Санъаткор ижро етган «Феруз», «Гулзорим», «Самарқанд ушшо-ғи», «Ўртама», «Дилдорлар», «Наз-зора қил», «Ватан», «Республи-кам», «Гулистонлараро» каби қў-шиқлар эндиликда санъатсевар халқимизнинг маънавий мулкига айланб қолди. Ортиқхўжа Имом-хўжаевнинг қўшиқ айтиш услуби-га ҳамма бирдай тин беради. Ай-ниқса, Катта Фаргона, Жанубий-Шимолий Фаргона ва Логан қанал-ларида таниқли санъат усталари концерт беришганида О. Имомхў-жаевга қўшиқ шайдолари алоҳида меҳр-муҳаббат билан қарашар, унинг ижросига тасаннолар айти-шарди. Ҳофиз хусусан, «Феруз»ни ижро етганда авжга кўтарилган сари овозлари очилиб борар, тинг-ловчилар эса унинг сеҳрдан маст бўлардилар. Ҳа, санъаткорга шуҳ-рат тез келиши мумкин. Аммо уни бир умр сақлаб қолиш — оғир ва-зифа. Хонанда эса бунинг уйдаси-дан чиқа олди.

Ўзбекистон радиоси қошида ма-қом ансамбли ташкил этилган, Юнус Ражабий раҳбарлигидаги коллектив сафида классик куйлар-ни тартибга солишда, магнит лен-таси ва грампластинкаларга ёзиб олишда Ортиқхўжа ақолининг ҳам хизмати катта бўлди. Шундай санъаткорлар борки, улар ижодсиз муайян давр саъяти равангисини тасаввур этиб бўлмайди. Классик ашула муҳлисларининг меҳрини қозонган Ортиқхўжа Имомхўжаев ана шундай санъаткорлардан бў-либ, у мақомчиликда янги ёна-лиш яратган ҳофизлар сарисига мансубдир.

Шунинг таъкидлаш керакики, Ор-тиқхўжа ақолининг етуқ санъаткор бўлиб етишувига унинг акаси Хўжаюсуф Имомхўжаев, улкан санъат арбобларидан Комилжон Жабборов, Юнус Ражабий, Донн Зокиров, Фахриддин Солиқов, Ҳа-бибий Тошматов, Ўзбекистон ССР халқ шоири Ҳабибийнинг ҳам ҳис-саси катта.

Ҳар бир инсон умрининг яку-ни, ҳисоб-китоби бор. О. Имомхў-жаевнинг номини эса унинг ўз хал-қига қилган хизмати, шу йўлдаги машаққатли меҳнати улуғдир. У ўзининг беҳис санъати билан ин-сонлар қалбига ёрқин из қолдир-ди.

Ўзбекистон ССР халқ ҳофиз, республика миёсидagi шахсий пенсияер, меҳнат ветерани Ор-тиқхўжа отанинг беш нафар фар-занди бор. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, ўз касблари бўйича турли соҳаларда ҳалол хизмат қилмоқдалар. Уларни тарбиялаб-воята етказган халқимизнинг ар-доқли санъаткори ақин кунларда 90 ёш бўлганда. Биз сеvimли ҳофизимизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

Мухиддин ЖАББОР.

● СУРАТДА: О. Имомхўжаев (чапдан учинчи) дўстлари давраси-да.

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА

БИНОАН

ХАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ

Ўрта Осиё республикалари ўзининг табиати, геогра-фик, этнографик ва тари-хий шароити билан бир-бирига яқин туради. Шунга кўра табиатушнослик, гео-графия ва тарих фанлари-ни ўрганишда таъминат бир-бирига ўхшашлик ва муш-тараклик кўзга яққол таш-ланади. Бу ҳолни Ўзбеки-стон билан Туркменистон халқлари ўртасидagi яқин муносабатлар мисолида кў-риш мумкин.

Ҳар икки республика мактабларида ўқитилаёт-ган қатор фанлар бўйича тайёрланган дарслик ва қўлланмалар ўзбек ва турк-ман дийрининг муштарак мулки бўлиши мумкин. Шунинг назарда тутиб, Ўзе-бекистон ССР ва Туркмени-стон ССР халқ таълими ми-нистрликлари ҳамкор-лик шартномасини тузиб, таълим жараянини тақомил-лаштириш ва методик жи-ҳатдан таъминлаш тадбир-ларини кўрди.

Ушбу ҳужжатда Ўзбеки-стонда нашрдан чиқарилган табиатушнослик, геогра-фия ва Ўзбекистон ССР-да топ этилган ўқув ада-биятларини Ўзбек тилига таржима қилиш лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Ўқитиш методикаси, пе-дагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари юзаси-дан кузатиш ҳамда тадри-котлар олиб бориш режалар-ни тузиб олишди. Бундай изланишларни Ўзбекистон ва Туркменистон педаго-гика фанлари илмий текши-риш институтлари олимла-ри ҳамкорликда амалга оширадilar. Ленин номида-ги Тошкент Давлат дорил-фунунининг олий мактаб педагогикаси илмий текши-риш лабораторияси ва Горь-кий номидаги Туркмени-стон давлат дорилфунуни-нинг лабораторияси мута-хассислари ҳам бу каби масалаларни ҳал этишга яқиндан ёрдам берадилар.

Ҳар икки республика мактабларини ўқув-методи-ка адабиятлари, ўқув-кур-самаларни қуроллар билан таъминлашга эришилди.

А. АЛИЕВ.

СПОРТ

● **ПАХТАКОР** бу йилги мавсумни ўтган дам олиш кунини ўз майдонига СССР кубогининг илтифори фан-лида Харьковнинг «Ме-таллист» командасига қарши ўйна билан якунида. Меҳ-монларнинг устунлигига ўт-ган учрашув 3:0 ҳисобида ту-гали. Такор ўзини 16 ноябр-да Харьковда бўлди.

● **КЕЧА** биринчи лига-га чиқшига даъвогар бўлган Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари Павлодар ша-ҳрида «Трактор» командаси билан учрашдилар. Лекин бундан аввал Сухуми ша-ҳрида «Динамо» коллективини 0:2 ҳисобида ютказган фарғоналиклар ягона йўллан-мадан махрум бўлишганди.

● **ЧИМ УСТИДА ХОККЕИ**

● **СПОРТНИНГ** бу тури бўйича мамлакат биринчили-ги олий лигасида қатнашаёт-ган «Политотдел» колхозчи қизлари кумуш медал билан тақдирландилар. Бориспол-нинг «Колос» коллективни чемпионлик унвонини қўлга киритди. «Политотдел» брон-за совриндори бўлган Мос-квалар ФСК клубини икки бор бир хил — 3:0 ҳисобида мағлуб этди.

Командаларнинг якунов-чи турнир жадалидagi ағла-лаган ўринлари қуйидагича бўлди:

Командалар

«Колос» 20 48-20 31

«Политотдел» 20 35-24 26

ФСК (Москва) 20 27-28 23

«Анди-жанка» 20 20-22 20

«Таурас» 20 21-39 11

«Связист» 20 10-30 9

3. ИСАБОВЕВ.

Мухаррир

Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қориев номида Ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМИДА СССР ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОИИДА
26 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
М. ҚОРИЕВ НОМИДА ЎЗБЕК ДАВЛАТ
ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ СОЛИСТИ
ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
ОРТИҚ ОТАЖОНОВ

концерти

ПРОГРАММАДА:

РАҚҚОСА —

Замира ҒАФФОРОВА

ва

бадий сўз устаси Мамасоли ХОЛМАТОВ қат-нашадилар.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кас-саларида соат 14 дан бошлаб сотилмоқда.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДА СССР
ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА
20 ВА 27 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
ТОМОШАВНЛАР ТАЛАБИГА БИНОАН

«ЯНА БИР КУЛИШАЙЛИК»

ХАЖВИЯ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

КАТНАШАДИЛАР:

«ТОШКЕНТ-89» асқичи ва қизқичилар кўрғининг
совриндорлари Обид ва Собит АСОМОВЛАР, Мирза
ХОЛМЕДОВ, Ботир МУХАМЕДХЎЖАЕВ, Тўхтамуроз
АЗИЗОВ;

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ
МАЛИКА АҲМЕДОВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Зиёда МАДРАҲИМОВА ва Ойил КАМОЛХЎЖАЕВ
ЛИРИК ХОНАДАЛАР

Мухриддин ХОЛИҚОВ ва Мавлуда ТУРДИЕВА.
Саҳналаштирувчи режиссер — Ўзбекистон ССРда хиз-мат кўрсатган артист Абдурашид РАҲИМОВ.
Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

15 НОЯБРДАН 23 НОЯБРГАЧА
ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

«УЛУҒ ДЕВОР»

ПЕКИН ТРУППАСИНИНГ

СССРдаги гастроллари

ФАҚАТ 8 КУН.

ПРОГРАММАДА:

Чи-гун ҳаёт фани.
Ан-анавий У-ШУ Хитой кураши.
Хитойнинг акробатика санъати.
Хитойнинг анъанавий сеҳрларини.
Томошалар 15, 16, 17, 21, 23 ноябрда соат 18.00 да,
18, 19 ноябрда соат 15.00 ва 18.00 да бошланади.
БИЛЕТЛАР ЦИРК КАССАЛАРИДА СОАТ 10 ДАН
БОШЛАБ 20.00 ГАЧА СОТИЛАДИ.
Коллектив бўлиб тушиш учун бюртмалар қабул қи-линади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ КОЛХОЗЛАРИ,
СОВХОЗЛАРИ, КОРХОНАЛАРНИНГ
РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ

ДИҚҚАТИ!

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг
ХҲЖАЛИК ВА ИЧИМЛИК СУВ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ФОИДАЛАНИШ ТРЕСТИ
1989 йилининг 15 НОЯБРИГА ҚАДАР
ЎЗ ВОДОПРОВОД ХҲЖАЛИГИНИ 1989—1990
ЙИЛЛАР ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАБ
ҚУЙИШНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

ҚУНИДАГИ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ:
— водопровод шохобчалари ва қудуқларини профи-лактик ремонт қилиш;
— ер юзасидagi трубопроводлар, водопровод кран-лари, насос станцияларининг ҳисоб-китоб узелларини иситиш;
— водопровод арматурасидagi носозликларни барта-раф этиш.

Юқориди кўрсатиб ўтилган муддатгача ўз водопровод-хўжалигини қиш мавсумига ҳозирлаб қўймаган хўжалик-ларга хўжалик-ичимлик сув билан таъминлаш трести уларни қиш мавсумида ичимлик сув билан етарлича таъ-минлаш юзасидан қафолат бермайди.

«ТАШОБЛАГРОПРОМ»НИНГ ОРЖОНИКИДЗЕ
РАЙОН РЕМОНТ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
КОРХОНАСИ

Молия-бухгалтерия ҳосасида раҳбарлик лавозимларида
камида 5 йил иш стажига эга бўлган, агросаноат соҳа-сида ишлаган бўлиши яна ҳам мақсадга мувофиқ —
бош бухгалтерни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Адрес: Оржоникидзе райони, «Қибрай» район маркази
(«Ичкилоб хўбони» — «Улўбек», «Тошкент» — «Чир-чиқ» автобусларининг «Қўйра» бекати). Справкалар
учун телефонлар: 61-565, 61-878.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА

ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ҲАЙТИШ ВА

КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ



ИШГА
ТАКЛИФ
ЭТАДИ

1-МОНТАЖ-ТЕХНОЛОГИЯ УЧАСТКАСИГА.
Прогресслаштирувчилар керак.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қи-лисин: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй
ёки аҳолини ишга жойлаштириш Чилонзор район бюро-си. Телефон: 77-35-80, Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.

Ўзбекистон Ёзувчилари Уюшмаси Тошкент вилоят
бўлими, шу бўлим ходими СССР Ёзувчилари Уюшма-си аъзоси Дилором Исоқовага онаси
РОБИЯ ИСҚОҚ ҚИЗИ
вафот қилгани билан чуқур таъзия изҳор қилади.

● БУ ЙИЛДАН бошлаб илк
бор мамлакатимизнинг ўт-тин-риш билан юртларига қурсан-ти-ликка нафкат армияда хиз-мат қилиб қайтган, балки ўрта умумтаълим мактабларини ҳам
битирган ёшлар қабул қилин-моқда.

СССР Ички ишлар министр-лигига қарашли Тошкент ў-тирувчилар техника билми юр-т уч республикага — Ўзе-бекистон, Тожикистон, Туркме-нистонга ички хизмат офицер-ларини етказиб беради. Ҳар йили мақсуд билан юртнинг 350 га яқин битирувчиси ана шу регион бўйлаб тарқатила-ди. Мамлакатимизда жами 8 та шундай билми юртлари бор.

Ўт ўтирувчилар касбининг оммавийлиги тобора ортб-борейтир. Бу йил мақсуд бил-ми юртга кириш кунурсида ҳар бир ўринга уч киши тў-ри келди.

ЎТ ҲИРУВЧИЛАР САБОҚ ОЛМОҚДАЛАР

Тошкент ўт ўтирувчилар тех-ника билми юртида 13 миллат вакиллари — ўзбеклар, рус-лар, украинлар, тожиклар, туркменлар, қозоқлар, татар-лар, қорқақлоқлар, қорейс-лар, немислар, крим татарлар, арманлар ва озарбайжонлар тахсил кўришмоқда. Уларнинг бари 3 йиллик ўқув мобайни-да ўт ўтирувчи офицер учун зарур бўлган техник билмилар-ни эгаллабгина қолмай, аҳо-ли жисмоний тайёргарликдан ҳам ўтадилар. Бундан ташқари де-ярли армия ҳаётидек машақ-қетли ўқув давомиде янгитлар ягона байналмилал оила фар-зандларидек инқилиб кет-тишяпти.


Ўт ўтирувчилар касбининг аҳамияти жуда катта. Ўзе-бекистон ССР Ички ишлар ми-нистрлиги ёниндан муҳофиза қилиш бошқармаси маълумот-

ларига кўра фақатгина Ўзе-бекистонда ўтган йили 17644 та ёнғин юз берган. Бунинг нати-жасида 11 миллион 200 минг сумлик зарар кўрилди ва 232 киши ҳалок бўлди.

● **СУРАТДА:** билми юр-ти талабалари машғулот пай-тида.

А. КОШКИН суради.

(ЎТАГ)



«БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ» БЎЙЛАБ

Ўзбекистон маданият фон-дида «Ўлкашунослик» про-граммаси ишлаб чиқилиб, ўлкаимизнинг ўтмиш мада-ниятига бой жойларини бо-риб кўриш мақсадида мах-сус экспедициялар ва юрш-лар уюштирилмоқда.

«Буюк ипак йўли» марш-рути бўйлаб ўтказилган юршлар ҳам кўпчилигиде қизқич-лиқ ўйғотмоқда. Шу марш-рути бўйича яқинда ўт-казилган дастлабки экспеди-

цияга педагог В. Захарчен-ко бошчилиги қилди. Янгитра беш нафар ёш ўлкашунос қатнашган бу саёҳат вақтида қадимий йўлнинг икки минг кило-метрлик масофаси босиб ўтиди. Тошкент Давлат дорилфунуни этнографла-ри ўқувчиларга бу маршрут-да ҳамроҳ бўлиб, уларни қи-зиқтирган саволларга жавоб-лар берадилар.

С. ОДИЛОВА.

ДОРИСИ АЧЧИҒУ СЎЗЛАРИ ШИРИН

Саломатлигимиз — бе-баҳо бойлигимиздир. Ленин кўп ҳолларда унинг қадри-га фақат бегоб бўлиб қол-ган пайтимизда етмайди. Ана шундангина шифокор-ларга мурожаат етмайди, до-рихонама-дориҳона юриб зарур дориларни қидира-мин. Ҳақиқий табобат хо-

димни учун эса унга умид ва илтижо билан термуган қўзлардаги қувончини кў-ришдан олтироқ бахт йўқ. С. Раҳимов ноҳиясидagi 16-дориҳонада хизмат қи-лувчи ана-ука Йўлдош ва Мамакат Султоновлар ана шундай олжаноб фазилат-ли кишилардир. Улар ўз-

ларига мурожаат этган ҳар бир кишининг ҳолатини чи-қаришга, улар излаган зар-ур дори-дармонлар топиб беришга ҳаракат қилиди-лар. Жуда бўлмаса, шаҳ-римизда қайси дориҳонада боришини суриштириб, аниқлаб берадилар. Шунинг учун бўлса керак, улар Э